

«ГАРАНТ БАНК» АЖ · ИНТЕРНЕТ-БАНКИНГ ТИЗИМИ

iABS7-Client дастурини ўрнатиш ва тизимга кириш

Корпоратив мижозлар (юридик шахслар) учун йўриқнома

Умумий маълумот

«Гарант банк» АЖ интернет-банкнинг тизимидан фойдаланиш учун мижоз ўз ишчи компютерига **iABS7-Client.msi** дастурини ўрнатиши керак.

Йўриқнома дастурни юклаб олишдан то тизимга киришгача бўлган барча босқичларни кетма-кет кўрсатади. Дастур бир марта ўрнатилади.

Дастур хақида

iABS7-Client компютер қайта ишга туширилганда ҳам автоматик тарзда ишга тушади ва мижозга ҳеч қандай ноқулайлик туғдирмайди. Уни ҳар сафар қўлда ишга тушириш шарт эмас.

Ўрнатиш тартиби

1-қадам. Дастурни юклаб олиш

Компютерда браузерни очинг ва интернет-банкнинг манзилига кириш:

<https://cabinet.garantbank.uz:7005/cib/>


Очилган саҳифада **iABS7-Client-v2.0.0.zip** дастурини компютерингизга юклаб олинг. Одатда юкланган файл «Загрузки» (**Downloads**) папкасида сақланади.

Файлни топиш

Юклаб олингандан сўнг файлни «Загрузки» папкасидан ёки браузернинг юкламалар рўйхатидан топасиз. Файл номи — **iABS7-Client-v2.0.0.zip**, ҳажми тахминан **55,8 МБ**.

2-қадам. Ўрнатишни бошлаш


Юклаб олинган **iABS7-Client-v2.0.0.zip** файли устига *сичқончанинг чап тугмасини икки марта тез-тез* босинг — zip архив ичида ўрнатиш файлининг ўзини кўрасиз: **iABS7-Client-v2.0.0.msi**. Яна бир бор унинг устига *сичқончанинг чап тугмасини икки марта тез-тез* боссангиз, ўрнатиш жараёни бошланади.



1-расм. Юклаб олинган ўрнатиш файли

3-қадам. Ўрнатилиш жараёни


Ўрнатиш бошланади. Экранда жараённинг бориши кўрсатилади — тугадини кутинг, ҳеч нарса босманг.



2-расм. Ўрнатилиш жараёни

4-қадам. Ўрнатишни тасдиқлаш

«Разрешить этому приложению вносить изменения на вашем устройстве?» ойнаси чиқади. Ўрнатишни давом эттириш учун «Да» тугмасини босинг.



3-расм. Ўрнатишни тасдиқлаш — «Да»

Бу нима?

Бу — Windows тизимининг стандарт хавфсизлик сўрови. У ҳар қандай дастур ўрнатилаётганда чиқади ва хато эмас.

5-қадам. Ўрнатишнинг якунланиши ва иш столидаги дастур белгиси

Ўрнатиш тугагандан сўнг компьютернинг иш столида (Рабочий стол) ва вазифалар панелида (панель задач) *дастур белгиси* пайдо бўлади. Бу — дастур муваффақиятли ўрнатилганини билдиради.



4-расм. Иш столи ва вазифалар панелида пайдо бўлган дастур белгиси

Дастур тайёр

iABS7-Client ўрнатилди ва фонда ишлаб турибди. Компютерни қайта ишга туширсангиз ҳам, дастур ўзи автоматик ишга тушади.

Тизимга кириш


Дастур ўрнатилгач, интернет-банкнинг тизимига кириш мумкин.

6-қадам. Интернет-банкнинг саҳифасини очиш

Браузерда интернет-банкнинг манзилига кириш:

<https://cabinet.garantbank.uz:7005/cib/>

«Корпоратив мижозлар учун интернет-банкнинг тизими» кириш саҳифаси очилади.



5-расм. Интернет-банкнинг тизимига кириш саҳифаси

7-қадам. Логин ва паролни киритиш

Тегишли майдонларга банк аввал берган логин ва паролни олдингидай киритиш ва тизимга кириш. Ҳаммаси тайёр — энди интернет-банкдан фойдаланишингиз мумкин.

Барчаси тайёр

Мижоз логин ва паролни киритиб тизимга кирса бўлади. Дастур ўрнатилди, тизимга кириш созланди.